



## ИСЛОМДА ОМОНАТДОРЛИК ВА ВАЪДАГА ВАФО ФАЗИЛАТИ

**Муҳтарам азизлар!** Маълумки, омонатдорлик ва ваъдага вафо қилиш чин мўминлик белгиси ва унинг асосий сифатидир. Омонатнинг турлари кўп бўлиб, сақлаб туриш учун маълум муддатга берилган моддий ва маънавий нарсалар омонатдир. Инсонга берилган ҳаёт неъмат, муборак жисми-жони ҳам – Аллоҳ томонидан берилган омонатдир. Барча гўзал хулқларда бизга ўрнак ва намуна бўлган суюкли Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам омонатдорлик ва ваъдага вафо қилиш бобида ҳам бизга намуна бўлганлар. Ул зоти шариф ростгўйликлари, бировларнинг ҳаққига хиёнат қилмасликлари, ваъдаларига вафодорликлари туфайли “ал-Амин”, яъни “омонатдор, ишончли одам” деган сифатни олганлар.

Аллоҳ таоло Қуръони қаримнинг бир нечта жойларида бандаларини омонатдор бўлишга буюрган. Жумладан:

﴿إِنَّ اللَّهَ يَأْمُرُكُمْ أَنْ تُؤَدُّوا الْأَمَانَاتِ إِلَىٰ أَهْلِهَا﴾

яъни: “Дарҳақиқат, Аллоҳ омонатни ўз эгаларига топширишингизга буюрар” (Нисо сураси 58-оят).

Аллоҳ таоло бошқа ояти қаримада дунё ва охиратда нажот топган кишиларнинг сифатини баён қилиш асносида шундай марҳамат қилган:

﴿وَالَّذِينَ هُمْ لِأَمَانَاتِهِمْ وَعَهْدِهِمْ رَاعُونَ﴾

яъни: “Улар (мўминлар) (одамларнинг берган) омонатларига ва (ўзаро боғлаган) аҳд-паймонларига риоя этувчидирлар” (Муъминун сураси 8-оят).

Омонатдорлик ва ваъдага вафо қилиш, хиёнат қилмаслик якка шахслар ҳамда жамоалар ўртасида ўзаро ишонч ришталарининг мустаҳкамланиши ва ҳамкорлик барқаролигининг асосидир. Бундай мўминларга хос сифатлар орадан йўқолса, кишилар бир-бирига ишонмай қўйишади. Оқибатда улар ўртасидаги ишонч, меҳр-оқибат ва инсонийликка путур етиб, ёлғончилик ҳамда алдов кучайиб, мустаҳкам жамият инқирозга юз тутаяди.

Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам бир қанча ҳадиси шарифларида омонатдорлик ва ваъдага вафо қилишга буюрганлар. Жумладан,

﴿إِذِ الْأَمَانَةُ إِلَىٰ مَنْ ائْتَمَنَكَ، وَلَا تَخُنْ مَنْ خَانَكَ﴾ (رواه الإمام الترمذي عن أبي هريرة رضي الله عنه)

яъни: “Омонат берган кишига омонатини қайтаринг! Сизга хиёнат қилган кишига сиз хиёнат қилманг!” (Имом Термизий ривоятлари).

Демак, динимизда хиёнат қилган кишига ҳам омонатдорлик билан муомала қилинади, асло, хиёнаткорнинг даражасига тушиб, у билан тенг бўлиб, гуноҳкор бўлишга рухсат берилмайди.

Ислом тарихидан маълумки, Макка мушриклари Расулуллоҳнинг жонларига қасд қилишни режа қилган пайтларида Расулимиз алайҳиссалом Аллоҳ таолонинг изни билан Мадинага кетмоқчи бўладилар. Мадинага кетишдан олдин мушрикларнинг шунча зулм ва хиёнатларига қарамасдан уларнинг омонатларини топшириш учун Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Али ибн Абу Толибнинг олдига бориб, одамларнинг омонатларини эгаларига топшириш учун Маккада қолишини буюрдилар. Ҳазрати Алий разияллоҳу анху барча омонатларни эгаларига топшириб кейин Расулимиз алайҳиссаломга эргашадилар.

Мана шу ҳолатни ўзи бизга катта дарс ва намуна ҳисобланади.

Омонатни сақлаб, уни чиройли ҳолатда эгасига қайтарган кишига жаннат ваъда қилинган. Бу ҳақда Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деганлар:

﴿ اِضْمَنُوا لِي سِتًّا مِنْ أَنْفُسِكُمْ أَضْمَنْ لَكُمْ الْجَنَّةَ: أُصَدِّقُوا إِذَا حَدَّثْتُمْ، وَأَوْفُوا إِذَا وَعَدْتُمْ، وَأَدُّوا إِذَا اتُّمِنْتُمْ، وَاحْفَظُوا فُرُوجَكُمْ، وَغَضُّوا أَبْصَارَكُمْ، وَكُفُّوا أَيْدِيَكُمْ ﴾ (رواه الإمام أحمد عن عبادة بن الصامت رضي الله عنه)

яъни: **“Сизлар менга ўзларинг тарафдан олтига нарсага кафолат берсангиз мен сизларнинг жаннатга киришингизга кафолат бераман. Гапирганда рост гапиринглар! Ваъда берганда вафо қилинглар! Омонат берилса саломат қайтаринглар! Жинсий аъзоларингни ҳаромдан сақланглар! Кўзларингизни ҳаромдан тийинглар! Қўлингизни (зулмдан) тийинг!”** (Имом Аҳмад ривоятлари).

Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам ҳадисларидан бирида:

﴿ إِذَا حَدَّثَ الرَّجُلُ بِالْحَدِيثِ ثُمَّ اتَّفَقَتْ فَهِيَ أَمَانَةٌ ﴾ (رواه الإمام الترمذي عن جابر رضي الله عنه)

яъни: **“Биров сенга бир калима айтиб, сўнгра атрофга қараб кўйса, билгинки, шу сўз омонатдир”**, деганлар (Имом Термизий ривоятлари).

Ушбу ҳадисдаги ҳолат омонат бўлгандан кейин, ҳозирги кундаги “бу гапларим сизга омонат, бировга айтманг”, деб очиқ-ойдин омонат сўзлар айтилганда, уни сақламасдан бошқаларга ошкор қилиш – омонатга хиёнат қилиш ҳисобланади. Ваҳоланки, ҳадиси шарифда:

﴿ لَا إِيمَانَ لِمَنْ لَا أَمَانَةَ لَهُ، وَلَا دِينَ لِمَنْ لَا عَهْدَ لَهُ ﴾ (رواه الإمام أحمد عن أنس بن مالك رضي الله عنه)

яъни: **“Омонатдор бўлмаган кишида (комил) имон йўқ. Ваъдасига вафо қилмайдиган кишида (комил) дин йўқ”**, – дедилар (Имом Аҳмад ривоятлари).

Демак, мўминлик сифатини ўзимизда мужассам қилишимиз учун қандай омонат бўлмасин, уни адо қилишимиз ва берган ваъдаларимизни устидан чиқишимиз лозим. Акс ҳолда мунофиқлик аломати бизда топилиб қолади, Аллоҳ сақласин! Бу ҳақда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай деганлар:

﴿ آيَةُ الْمُنَافِقِ ثَلَاثٌ: إِذَا حَدَّثَ كَذَبَ، وَإِذَا وَعَدَ أَخْلَفَ، وَإِذَا أُؤْتِيَ خَانَ ﴾ (متفق عليه عن أبي هريرة رضي الله عنه)

яъни: **“Мунофиқнинг учта аломати бор. Сўзласа, ёлгон гапиради, ваъда берса, хилоф қилади ва омонат қўйилса, хиёнат қилади”** (Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари).

Демак, мунофиқликнинг биринчи белгиси ёлгончилик экан. Ёлгончилик катта гуноҳ эканини билиб туриб, баъзилар ёлгон гапираверади. Оддий мисол:

“Дадам уйда йўқ эдилар, деб кўй”, – дейди. Бундай тарбия оқибатида фарзандларимиз кичиклигидан ёлғонни ўрганиб вояга етяпти.

Ёки одамларни турли йўллар билан алдаб, фирибгарлик қилиб мол топаётганлар ҳам орамизда йўқ эмас. Ваҳоланки, Сафвон ибн Салим разияллоҳу анҳудан қуйидаги ҳадисни ривоят қилинади, “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламдан сўралди: “Мўмин киши қўрқоқ бўлиши мумкинми?” “Ҳа”, – дедилар. “Мўмин киши бахил бўлиши мумкинми?” “Ҳа”, – дедилар. “Мўмин киши ёлғончи бўлиши мумкинми?” “Йўқ”, – дедилар. Шундай экан, ёлғон гапириш бизу сиз мўмин мусулмонларга асло мумкин эмас.

**Мунофиқликнинг иккинчи белгиси ваъда берса, бажармайди.** Афсуски, кейинги пайтларда ана шундай ваъдабозлик, сўзда турмаслик ва субутсизлик тобора кучайиб бормоқда. Қоп-қоп ваъдалар берилиб, уларга вафо қилиш ҳақида эътиборсизлик кучаймоқда. Ақлли, туппа-тузук киши билан, фалон жойда, фалон соатда учрашамиз, деб шартлашасиз-у, керак бўлса, белгиланган жойда камида бир-икки соат кутасиз, ундан эса дарак йўқ.

Ишингни фалон куни битказиб бераман, хавотир олма деб, ўша заҳоти унутади. Сиз бўлса, кутаверасиз ва яна кутаверасиз.

Фарзандига, фалон ишни қилсанг, буни олиб бераман, деб ваъда беради-ю, вафо қилмайди.

Турли баҳоналар билан қарз олиб, фалон куни бераман деб, ваъдасини устидан чиқмасдан, пул берганни сарсон ва қарз берганига пушаймо қилаётганлар йўқ эмас. Турли шартнома ва битимларга имзо чекиб ёки насияга бир нарса сотиб олиб, маълум муддатга ахдлашиб, уни вақтида бермай юрганлар талайгина. Ваҳоланки, ваъдага вафо қилмаслик – катта ва оғир гуноҳ. Бундай кимсаларга Аллоҳ таоло хитоб қилиб бундай деган:

﴿الَّذِينَ عَاهَدْتَ مِنْهُمْ ثُمَّ يَنْقُضُونَ عَهْدَهُمْ فِي كُلِّ مَرَّةٍ وَهُمْ لَا يَتَّقُونَ﴾

яъни: “Уларнинг ичида Сиз билан ахдлашгандан сўнг, тақвосизлик қилиб, ҳар гал ахдларини бузаверадиганлари бордир” (Анфол сураси 56-оят).

**Мунофиқликнинг учинчи белгиси омонатга хиёнат қилади.** Ҳар бир касб ўз эгаси учун омонатдир. Инсон бир касбни ўргандими, энди шуни яхши ишга солиб, шу орқали халққа садоқат билан хизмат қилиши керак. Агар у ўз касбига нисбатан лоқайд, бепарволик қиладиган бўлса, касбига қўл учида ёндошадиган бўлса, касб омонатига хиёнат қилган бўлади.

Демак, ваъдага вафо қилмаган ва омонатга хиёнат қилган шахс – юқорида зикр қилинган ва булардан бошқа ояти карима ва ҳадиси шарифларга амал қилмаган киши ҳисобланади. Аллоҳ таоло Қуръони каримда бундай деган:

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا لَا تَخُونُوا اللَّهَ وَالرَّسُولَ وَتَخُونُوا أَمَانَاتِكُمْ وَأَنْتُمْ تَعْلَمُونَ﴾

яъни: “Эй, имон келтирганлар! Аллоҳга ва Расулга (буйруқларига) хиёнат қилмангиз ва (бир-бирингиздаги қўйган) омонатларингизга (ҳам) билиб туриб хиёнат қилмангиз!” (Анфол сураси 27-оят).

Ушбу ояти каримани тафсир қилган уламоларимиз айтадиларки, Аллоҳ таоло фарз қилган амалларни бажариш, қайтарган ишларидан қайтиш ва Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг суннатларида бардавом бўлиш – Аллоҳ ва Расулининг омонатини адо қилиш ва уларга хиёнат қилмаслик ҳисобланади.

**Азизлар!** Бизга берилган омонатлар жуда кўп. Тириклигимиз ва ҳаёт бизга вақтинча берилган омонатдир. Соғлиқ-саломатлик бизга берилган улкан омонат. Вақт омонат, фарзанд омонат, тинчлик омонат. Бу омонатларни ўз ўрнида ишлатишимиз, уларга заррача хиёнат қилмаслигимиз керак. Берилган умрни солиҳ ишларга сарф этишимиз, саломатлигимизнинг қадрига етишимиз, вақтдан унумли фойдаланишимиз, ўзимиздан яхши ном қолдиришга ҳаракат қилишимиз, фарзандларимизни комил инсон қилиб тарбиялаш пайдан бўлишимиз, тинчлигимизни асраб-авайлашимиз, тинчлик ишига бепарво бўлмаслигимиз керак.

Али разияллоху анху: *“Омонатни адо қилиш ризқнинг калитидир”* деганлар. Демак, ризқимиз кенг бўлишини хоҳласак, омонатга хиёнат қилмай, уни чиройли адо қилишимиз керак.

Умар ибн Хаттоб розияллоху анху шаҳар ташқарисига чиққанларида бир чўпоннинг кўй боқиб юрганини кўрдилар. Унинг олдига бориб, “Кўйларингдан биттасини сотмайсанми?” – деб сўрадилар. Шунда чўпон: “Мен қулман. Бу кўйлар хўжайинимники”, – деб жавоб берди. Ҳазрати Умар уни синамоқчи бўлиб: “Бўри еб кетди”, деб қўяверасан”, – дедилар. Ҳалиги чўпон: “Бўри еб кетди деб хўжайинимни алдашим мумкин. Аммо Аллоҳничи?!” деди. Бу қулдаги омонатдорликни кўрган ҳазрати Умар разияллоху анху уни хожасидан сотиб олиб, озод қилдилар.

Бир улуғ зот отнинг устида Қуръон ўқиб кетаётган эди. Устидаги тўни тушиб кетганини сезмади. Анча масофа босиб ўтилгандан кейин қараса, устидаги тўни йўқ. Отдан тушиб, ортга тўнни излаб кетди. Шунда шериклари “Отга миниб, бориб келмайсизми? Тайёр от турибди-ку!” дейишди. Шунда у зот: “Мен бу отни эгасидан бир томонга минишга ижарага олганман. Агар ортга ҳам минсам, омонатга хиёнат қилган бўламан”, – деб жавоб берди. Бу каби ривоятлардан жуда кўп келтириш мумкин.

Хулоса қиладиган бўлсак, имонимиз ва динимиз комил бўлиши учун ҳамда мунофиқлик аломатларидан халос бўлиш мақсадида ҳар биримиз омонатдор ва ваъдага вафо қиладиган солиҳ ва тақводор кишилар қаторида бўлайлик!

**Азизлар!** Куни кеча, юртимизда қутилмаган ҳолат юз берди. Қозоғистон давлатида юз берган носозлик сабабли Ўзбекистон ва Қирғизистонда ҳам электр энергияси узилиб қолди. Табиийки, электр энергиясига боғлиқ кўп соҳалар: аҳолига сув етказиб бериш, уйларни иситиш тизими, газ етказиб беришга ҳам бу нарса таъсир қилди. Гарчи бу ҳолат кўп давом этмаган бўлсада, баъзи бирларда ваҳимага тушиш, миш-миш тарқатиш, электр энергияси йўқлиги сабабли талаб кўпайган маҳсулотларнинг нарҳини дарҳол, асоссиз ошириш ҳолатлари кўзга ташланди. Айниқса, қийинчилик ва синовли кунларда нон, ичимлик сув, озиқ-овқат каби халқнинг кунлик эҳтиёжи тушадиган маҳсулотларнинг нарҳини сунъий кўтариш – инсофсизлик, қийин аҳволдаги мусулмонлардан фойдаланиб қолиш ва мусулмон кишига асло тўғри келмайдиган ишдир.

Албатта, ҳаётда оммавий равишда қутилмаган қийинчилик ва синовлар учраб туриши мумкин, ҳатто яқин йилларда бунданда оғир пандимея, карантин синовларини ҳам бошимиздан ўтказдикку!

Бир кунлик синовда шунча ваҳимага тушилса, бундан “тадбиркорлар” ночор ва қийналганлар изидан фойда кўришга ҳаракат қилса, Аллоҳ сақласин, бу ҳолат узокроққа чўзилса, нима бўлади!? Ахир биз тақдирга имон келтирганмиз-ку! Ризқ

Аллоҳ таолодан эканига имонимиз бор-ку! Қуръони каримда бу мавзуда шундай марҳамат қилинади:

﴿وَمَا مِنْ دَابَّةٍ فِي الْأَرْضِ إِلَّا عَلَى اللَّهِ رِزْقُهَا وَيَعْلَمُ مُسْتَقَرَّهَا وَمُسْتَوْدَعَهَا كُلٌّ فِي كِتَابٍ مُبِينٍ﴾

яъни: “**Ер юзида ўрмалаган нарса борки, уларнинг ризки Аллоҳнинг зиммасидадир. У уларнинг турар жойларини ҳам, борар жойларини ҳам билур. Ҳаммаси очиқ-ойдин китобдадир**” (Ҳуд сураси 6-оят).

Нега синов пайтида ана шу имонимиз талаб қилганидек иш тутмаймиз?! Нега ушбу оятга биноан “Ризқимни Аллоҳ беради” деб ҳаракатланмаймиз?!

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам: *“Энг яхши касб савдогарликдир. Агар савдогар ёлгон гапирмаса, омонатга хиёнат қилмаса, ваъдага хилоф этмаса, сотиб олаётган нарсаларини мақтамаса, (ҳаддан ортиқ) қимматга сотмаса, зиммасидаги ҳақни беришни чўзмаса ва ўз ҳақларини олишда ҳам қўпол бўлмаса”,* дедилар (Имом Термизий ривоятлар).

Демак, савдогарлар ҳалол, омонатдор, яхши инсон бўлишлари учун ушбу ҳадисда айтилган нарсаларга амал қилишлари, жумладан, маҳсулотни ҳаддан ортиқ қиммат сотмасликлари лозим бўлади.

Мусулмонларнинг эҳтиёжи тушиб турганда, уларга енгиллик қилиб бериш ўрнига асоссиз қимматлаштириш ёки янада қимматроқ сотиш мақсадида ушлаб туриш гуноҳдир.

Ҳазрати Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам: *“Ким мусулмонлар нархларига киришиб, уларга қимматчилик келтириш учун ҳаракат қилса, Аллоҳ учун уни қиймат қуни катта оловга ташламоғи ҳақ бўлади”* деганлар (Имом Аҳмад ривоятлари).

Мана шундай синовли кунлар одамларга ёрдам қилиш, эҳсон қилиш, савоб олишнинг айна вақтидир. Чунки кенгчилик кунлари ҳамма ҳам эҳсон қила олади, лекин қийинчиликда бу ишлар ҳаммининг қўлидан келмайди.

Умар разияллоҳу анҳу халифалик даврида Мадина аҳлига қаттиқ очарчилик етди. Одамлар ниҳоятда қийин аҳволда қолди. Шу кунларда тириклигидаёқ жаннат башорати берилган саҳоба Абдурроҳман ибн Авф разияллоҳу анҳунинг катта карвони озиқ овқатлар билан Мадинага кириб келди. Савдогарлар у зотга икки, уч ва унданда кўп баробар фойда беришни таклиф қилдилар. Лекин у зот фурсатни ғанимат билиб, одамларга раҳм шафқат қилиб, бирига етти юз баробар ажр берадиган Аллоҳ таоло йўлига эҳсон қилдилар. Ўша кеча бирор киши оч қолмади.

Мана шундай улуғ зотлар бизга чиройли ўртак бўлиши керак. Қийинчилик пайтларда марҳаматли бўлиб, пул ишлашдан кўра кўпроқ савоб ишлаш ҳаракатида бўлишимиз керак.

Хулоса қиладиган бўлсак, энг оғир пандимея ва карантин пайтларида бирдам, аҳл-иноқ бўлиб, барчамиз бир юқадан бош чиқариб, жорий қилинган тартиб қоидаларга риоя қилганимиз учун оғир синовли кунлардан ўтиб олдик. Ҳозирги кундаги электр энергиясига боғлиқ муаммоларда ҳам бирчамиз бир тану жон бўлиб, бир-биримизни қўллаб-қувватлаб турсак, иншааллоҳ бундай синовли кунлардан тезда ўтиб оламиз ва фаровон ҳаётимизни давом этамиз.

Аллоҳ таоло барчамизни турли офат-синовлардан асраб, юртимизни тинч, халқимизни фаровон қилиб, барчамизга икки дунё саодатини насиб қилсин!